



FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMLIGI

151700, Furqat t., Yuksalish ko'chasi, 15A-uy, tel: (73) 549-25-77, e-mail: furqat.t@exat.uz, http: www.furqattuman.uz

2022-yil 20 - iyul - 14 -son

Furqat t.



**“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси
Васийлик кенгаши йиғилишининг**

БАЁНИ-4

2022 йил 20-июн

Фурқат тумани

Раислик қилувчи:

З. Алихаджаева – Фурқат туман ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Васийлик кенгаши раиси

Қатнашганлар:

Васийлик кенгаши аъзолари (*рўйхат бўйича*)

Васийлик кенгаши масъул котиби:

Г. Султонова – Фурқат туман оила ва хотин-қизлар бўлими Иктимой химояга муҳтож оилалар ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис

КУН ТАРТИБИ:

1. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам бериш тўғрисида;
2. “Аёллар дафтари”га киритилган 11 нафар хотин-қизларга субсидия ажратиш тўғрисида;
3. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун ташкил этилаётган туризм тадбирларини молиялаштириш тўғрисида.

(З.Алихаджаева, Орипов, Ахмедов, Умрзақова, Жўраев, Абдурахмонов, Гоффорова, Абдуллаева..)

1-масала: Вазирлар Маҳкамсининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бобида “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш киритилган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш” тўғрисида белгилаб қўйилган. Низомнинг 14-бандида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш “Аёллар дафтари”нинг 3, 4 ва 6-тоифаларига киритилган хотин-қизларнинг ҳар бирига низомнинг 2-иловасида белгиланганидек энг кам иш ҳақи базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробари миқдорда маблағ берилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, “Аёллар дафтари”нинг 3-тоифасида киритилган 92 нафар аёлларга, 4-тоифасида турган 78 нафар аёлларга, 6-тоифасида турган 44 нафар аёлларга бир марталик ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йиғилиш қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамсининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Низом ижро учун қабул қилинсин.

2. “Аёллар дафтари”га киритилган бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланган 200 нафар аёллар (3-тоифадан 92 нафар, 4-тоифадан 78 нафар, 6-тоифадан 44 нафар аёллар) рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 1-илова билан тасдиқланган 214 нафар аёлларнинг ҳар бирига “Аёллар дафтари” жамғармасидан Низомнинг 2-иловасида белгиланганидек энг кам иш ҳақи базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробари миқдорда моддий ёрдам ажратилсин.

2-масала: «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида Низомнинг 2-иловаси 30-бандида тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз хотин-қизларга фаолиятини бошлаш учун субсидиялар ажратиш берилиши белгиланган.

Шунга асосланиб, “Аёллар дафтари” киритилган 11 нафар хотин-қизларга субсидия ажратиш белгиланди.

2-масала юзасидан йиғилиш қарор қилади:

1. “Аёллар дафтари”га киритилган 11 нафар субсидия ажратилган хотин-қизлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2. 2-илова билан тасдиқланган 11 нафар хотин-қизларга “Аёллар дафтари” жамғармасидан Низомнинг 2-иловасида белгиланганидек ҳар бирига 5 миллион сўм миқдордаги тукув машинаси учун жами 55 миллион сўм моддий маблағ ажратилсин.

3-масала: «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида Низомнинг 2-иловаси 41-бандига асосан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг саёхатларини ташкил этиш бўйича Фағона-Бухоро-Фарғона йўналишидаги саёхати учун “DAVON VIP SAYYOH” оилавий корхона билан №3 шартномаси тузилганлигини ва 10 нафар рўйхати шакллантирилгани айтиб ўтди.

3-масала юзасидан йиғилиш қарор қилади:

1. “Аёллар дафтари”га киритилган 10 нафар хотин-қизлар Бухоро шаҳрига саёхатга бориш учун рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2. “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан 10 нафар хотин-қизларнинг Фағона-Бухоро-Фарғона йўналиши саёхати учун “DAVON VIP SAYYOH” оилавий корхона билан тузилган №3 шартномага асосан мазкур корхонага жами 13 220 850 сўм миқдорда пул маблағи ўтказиб берилсин (“DAVON VIP SAYYOH” оилавий корхона, ИНН: 302552601, P/c 20208000400227330001, МФО:00539);

3. Ушбу йиғилиш қарори ижросини таъминланишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёни ёзиб олувчи:



Г.Султонова